



29.11.2022 даги

AKROM FAYZ EKO MЧЖ ва Кушработ туман Тиббиёт бирлашмаси ўртасида 49875000,00 сўм умумий
суммага тузилган 1980-7-97-ТВ/2022 - сонли шартномага

ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб 054
Шахсий ғазна ҳисобварак 100022860182167073101054001

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			сўмда Жами
	4299990			
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь	49 875 000,00			49 875 000,00
Декабрь				
Жами йил бўйича	49 875 000,00			49 875 000,00

Жами 49875000,00 сўм

Қирқ тўққиз миллион саккиз юз етмиш беш минг сўм 00 тийин

сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 14962500,00 сўм ёки 30,00%*** шартноманинг умумий суммасидан
_____ % ***20 22 Ноябрь ойида тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига _____ % жорий ойнинг _____ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари



М.Ў.

(имзо)

Шамсиев Улугбек Н.

Ф.И.Ш.

Буюртмачи бош бухгалтери

(имзо)

Маматов Нурбек А.

Ф.И.Ш.

Ғазначилик бўлинмасининг
ходими қабул қилди

_____ (имзо)

Буюртмачи ходими
қабул қилди

(имзо)

« _____ » 20 _____ й.

« _____ » 20 _____ й.

(Аутсорсинг усулида Кушработ тумани тиббиёт бирлашмасининг қирларини ювишни ташкил этиш буйича
18.11.2022-йил лот № 187696)

ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШГА (ИШЛАРНИ БАЖАРИШГА)
ОИД ШАРТНОМА

29«11»2022yil.

1980-7-97-TB/2022-son

« AKROM FAYZ EKO » МЧЖ номидан Устав асосида фаолият юритувчи рахбари Д.Муролова (кейинги матиларда “Аутсорсер”) бир томондан, Устав асосида иш юритадиган Кушработ тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи У.Н.Шамсиев (кейинги ўрииларда “Буюртмачи”) иккинчи томондан, ушбу шартномани

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш буйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон Фармони, «Одамнинг иммунитет танқислиги вирусни келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш ва шифохона ички инфекцияларини профилактика қилиш буйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 22 июлдаги ПҚ-3800-сон қарорига мувофиқ

«Соғлиқни сақлаш вазирлигининг чора-тадбирлари режасига асосан, тиббиёт муассасаларининг қўшимча ва ёрдамчи функцияларини хусусий секторига ўтказиш юзасидан 2020 йил учун тузилган чора-тадбирлар режаси» асосида мазкур шартнома тузилди.

I. Шартнома предмети.

1.1. Мазкур шартнома предмети бўлиб, Аутсорсер томонидан буюртмачи маблағлари ҳисобидан Кушработ тумани тиббиёт бирлашмасининг қирларини ювишни ташкил этиш буйича.

№	Товар (ишхизмат)номи	Ўлчовбирлиги	Хажми	Нархи	Сумма
1	Кушработ тумани Тиббиёт бирлашмасининг қирларини ювиш учун аутсорсинг хизмати	кг	6650	7500	49 875 000
Жами 15% ҚҚС билан					49 875 000

1.2. Шартнома тузиш тиббиёт бирлашмасининг қирларини ювишни ташкил этиш буйича, шартнома суммаси 49 875 000 (Қирк тўққиз миллион саккиз юз етмиш беш миң) сўми ташкил этади.

1.3. Аутсорсер томонидан буюртмачи билан келишилган ҳолда қўшимча шартлар асосида тиббиёт бирлашмасининг қирларини ювишни ташкил этишга санитария-гигиена нормалари ва қондаларига риоя этган ҳолда рухсат этиш хизмат курсатиш муддати 31-декабр 2022 йилгача

II. Шартномада қўлланилган термин ва тушунчалар.

2.1. Буюртмачи – Кушработ тумани Тиббиёт бирлашмаси

2.2. Аутсорсер - « AKROM FAYZ EKO » МЧЖ

2.3. Тўловчи – Кушработ тумани Тиббиёт бирлашмаси

2.4. Шартнома суммаси – санитария меъёрларига асосан тиббиёт бирлашмасининг қирларини ювишни ташкил этиш буйича Аутсорсернинг барча харажатларини (солиқ мажбурий тўловлар, ходимлар иш ҳақи билан боғлиқ тўловлар ва ажратмалар, транспорт харажатлари, қирхона ва омборхонадаги ускуна ва анжомларни сақлаш ва таъмирлаш харажатлари ва бошқа коммунал тўловлардан ташқари) ҳисобга олиб қўшилган 20 фозлик устама билан ҳисобланган сумма.

2.5. Ҳақиқатда қўрсатилган хизматлар киймати – бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактураларда акс эттирилган ва буюртмачи томонидан тасдиқланган хизматлар киймати. Бунда санитария-гигиена меъёрларига асосан тиббиёт бирлашмасининг қирларини ювишни ташкил этиш буйича 20 фозлик устама билан ҳисобланган киймат. Ҳамда қўрсатилган хизматлар кийматининг асоссиз равишда шартнома суммасининг ошишига йўл қўйилмайди.

III. Шартнома тузишнинг ҳуқуқий асослари.

Мазкур шартномани тузиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.02.2016 йилдаги 31-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.09.2018 йилдаги ПҚ-3953-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш буйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон Фармони, «Одамнинг иммунитет танқислиги вирусни келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш ва шифохона ички инфекцияларини профилактика қилиш буйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 22 июлдаги ПҚ-3800-сон қарорига мувофиқ «Соғлиқни сақлаш вазирлигининг чора-тадбирлари режасига асосан, тиббиёт муассасаларининг қўшимча ва ёрдамчи функцияларини хусусий секторга ўтказиш юзасидан 2020 йил учун тузилган чора-тадбирлар режаси шунингдек, тиббиёт бирлашмасининг қирларини ювишни тартибга солувчи бошқа меъёрий ҳужжатлар ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

IV. Ҳисоб-китоблар тартиби.

4.1. Сотиб олувчи мазкур шартномани газначилик бўлимида рўйхатга олинган қундан бошлаб 10 календар кун ичида қопунчиликка мувофиқ шартнома умумий суммасидан 30 % миқдорда олдиндан тўлаш мажбуриятини олади қолган 70% ни

ишларни бажаргандан кейин 30 календар кун ичида қабул қилиш топшириш далолатномаси ҳисоб- фактура ва бошқалар асосида тўланади.

4.2. Буюртмачи шартнома Қўшработ тумани бўйича Газнахилик бўлимаси томонидан рўйхатга олингандан сўнг, тақдим этилган ҳисобга асосан 10 (ўн) кун муддат ичида дастлабки тўловни амалга оширади.

4.3. Аутсорсер томонидан тиббиёт бирлашмасининг қирларини ювишни ташкил этиш бўйича буюртмачи билан келишилади.

4.4. Буюртмачи ва Аутсорсер масъул шахслари томонидан ушбу маълумотлар асосида ҳар 15 кунда бажарилган ишлар далолатномаси тузиб тасдиқлангандан сўнг, Аутсорсер раҳбари ва тиббиёт бирлашмаси бош шифокори томонидан тўланиши керак бўлган маблағ бўйича тегишли ҳисоб-фактура тузилиб расмийлаштирилади.

4.5. Ҳисоб-фактура бажарилган ишлар тўғрисида далолатнома билан биргаликда Буюртмачини марказлашган бухгалтерия хизматига тақдим этилади. Шартномага асосан тўланмаган маблағ ҳисоб-фактура ва бажарилган ишлар далолатномасига асосан белгиланган тартибда беш кунлик иш кун ичида тўланиб берилади.

V. Сифат ва таомнома.

5.1. тиббиёт бирлашмасининг қирларини ювишни ташкил этиш бўйича санитария меъёр ва қоидаларига белгиланган талабларга ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар талабларига мос келиши керак.

5.2. Аутсорсер томонидан тиббиёт бирлашмасининг қирларини ювишни ташкил этиш бўйича сертификатлар ва бошқа тегишли ҳужжатлар мавжуд бўлиши керак. Ушбу масалада Буюртмачи Брокер комиссияси назорати юрилади.

VI. Махсулот тайёрлаш билан боғлиқ харажатлар.

6.1. Буюртмачи томонидан тиббиёт бирлашмаси балансидаги қирларни ювиш билан боғлиқ бўлган барча қирхона ва омборхона бинолари, тегишли жиҳозлар, ускуналар, Аутсорсерга «ноль» ставкада бегараз топширилади. Комунал (электр энергис, табиий газ, ичимлик суви канализация) харажатлар буюртмачи ҳисобидан қопланади.

6.2. Юқорида кўрсатилган бино ва мулклар Аутсорсерга соз ва яроқли ҳолда топширилиб, тегишли топшириш-қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилади, шунингдек, «ноль» қийматда бегараз топширилган ушбу воситалар бўйича алоҳида ижара шартномаси расмийлаштирилади.

6.3. Аутсорсер 20 % лик устама доирасида қуйидаги харажатларни амалга оширади;

- Бюджетга белгиланган солиқ ва йиғимлар тўлови, штат жадвалидаги ходимлар иш ҳақи тўлови, ва аутсорсинг хизмати кўрсатиладиган манзилга етказиш билан боғлиқ транспорт харажатлари, ижарага олинган бино, иншоотлар ва мулкларни сақлаш ва таъмирлаш билан боғлиқ харажатлар ва бошқалар.

6.4. Аутсорсер зарур ҳолларда кўрсатилаётган хизмат сифатини ошириш учун ўзининг жиҳозларидан фойдаланиши мумкин.

VII. Томонларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги, инзоларни ҳал этиш.

7.1. Аутсорсер қуйидаги ҳуқуқларга эга:

7.1.1 Ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш;

7.1.2 Ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ички ва ташқи қисмида техник жиҳатдан жиҳозлаш ва таъмирлаш ишлари ва комунал туловларини амалга ошириш;

7.1.3 Хизматлар таннаҳининг узгариши муносабати билан шартномага ўзгартириш қилиш таклифи билан чиқиш;

7.1.4 Кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилишини талаб қилиш;

7.1.5 Кўрсатилган хизматлар натижасида фойда олиш;

7.1.6 Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб қилиш;

7.1.7 Қонуни ҳужжатларига мувофиқ. Бошқа ҳуқуқлар.

7.2.1 Аутсорсер қуйидагиларга мажбур:

2.2.1 Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жиҳозлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланишини, сақлашда, носоз ҳолга келганда уларни ўз ҳисобидан таъмирлаши, шунингдек, коммунал харажатларини қоплаши;

2.2.2 Аутсорсинг хизматини кўрсатишда техника, ёнги, меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларга қатъий риоя этиш;

2.2.3 Товар (ишлар, хизматлар) нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига етказилишини таъминлаши;

2.2.4 Махфийлик тартибига қатъий риоя қилиши;

2.2.5 Шартномани бекор қилиш ҳақида буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириш, ушбу маддат тугагунига қадар эса буюртмачининг тегишли хизматларини узлуксиз ташкил этишни таъминлаш;

2.2.6 Хизматларни сифатли, мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлиқ ҳажмда кўрсатиши;

2.2.7 Хизматлар кўрсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур шартнома шартларига амал қилмасдан, хизматлар сифатининг ёмонлашувига олиб келган барча камчиликларини Буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомида бепул тўғирлаши;

2.2.8 Хизматларнинг сифатсизлиги, хизматларни бажариш учун вақтинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) хоналари ҳолати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария қоидаларига жавоб бермаслиги аниқланганда, Аутсорсер зудлик билан Буюртмачининг аниқланган камчиликларини бартараф этиш бўйича қонуний талабини бажариши;

2.2.9 Малакали, тажрибали, қўйилган вазифани (хизматини ишни) амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлган, шунингдек, белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувлан (қўриқдан) ўтган ходимларга (талаб этилган ҳолларда) хизматларни бажариш жараёнига зўхсат этиши;

2.2.10 Ходимлар зиммасига Буюртмачининг ҳудудида одоб-ахлоқ қоидаларига, шунингдек, ички тартибга риоя қилиш мажбуриятини юклаш;

2.2.11 Хизмат кўрсатиш бўйича ишларни шахсан бажариши, мазкур Шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги;

2.2.12 Мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вақтинча фойдаланишга топширилган ускуналар, жиҳозлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни соз ҳолда сақлаши, таъмирлаши, шунингдек, биноларни таъмирлаши;

2.2.13 Томонлар имзолайдиган тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда, Буюртмачидан биноларни (хоналарни) ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни қабул қилиб олиши;

2.2.14 Мазкур шартномани бекор қилиш ҳақида Буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириши, ушбу маддат тугагунига қадар эса Буюртмачига хизматларни узлуксиз кўрсатишини таъминлаш;

2.2.15 Мазкур шартномага асосан Хизматларни кўрсатиш ишларига жалб этилган ходимларни ўқитишни (малакасини оширишни) амалга ошириши (талаб этилган ҳолларда);

2.2.16 Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

2.3 Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1 Товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чиқарилиши (бajarиллиши, кўрсатилиши)ни талаб қилиш;

2.3.2 Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган ҳолда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш;

2.3.3 Шартномани бекор қилиш тўғрисида 10 кун олдин Аутсорсерни ёзма равишда огоҳлантириш; бунда кўрсатилган хизматларнинг қийматини белгиланган тартибда тўлаш;

2.2.4 Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.4 Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:

2.4.1 Бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактуру асосида курсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича бир ойда камда бир марта Хизматлар ҳақини тўлаш;

2.4.2 Аутсорсерга мазкур Шартнома шартларини бажариш доирасида биноларни (хоналарни), ускуналарни, жихозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқа моддий воситаларни вақтинча фойдаланишга бериши;

2.4.3 Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

7.1 Аутсорсер қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- шартнома имзоланган вақтдан бошлаб ижарага берилган мулкни балансда сакловчидан талаб қилиш;

- ижарага олинган бино ва ишхонанинг ички қисмида техник жиҳатдан жиҳозлаш ишларини амалга ошириш;

7.2. Аутсорсер мажбуриятлари:

- Қўшработ туман тиббиёт бирлашмаси кирларини ювишни ташкил этиш;

- Қўшработ туман тиббиёт бирлашмасининг ижарага олинган кирхонасидан мақсадли фойдаланиш;

- Қўшработ туман тиббиёт бирлашмасининг ижарага олинган кирхонани, техник жиҳозларни сакловчининг ёзма розилигини олиш;

- тиббиёт бирлашмасининг ижарага олинган кирхонасидан фойдаланишда санитария қоидалари меъёрлари ва гигиена нормативларига риоя қилиш;

- кирларни ювиш билан боғлиқ ходимларнинг тегишли тиббий назоратдан ўтганлигини таъминлаш;

- Давлат санитария назорати маъсул ходимлари томонидан тегишли текшириш ва ўрганишларга тўққинлик қилмаслик, назорат қилувчи идоралар томонидан тегишли текшириш ва тегишли тартибда тақдим этиш, брокераж комиссияси фаолиятига тўққинлик қилмаслик.

7.3. Буюртмачи ҳуқуқлари:

- Брокераж комиссияси фаолиятини тўғри ташкил этиш;

- Аутсорсер билан келишган ҳолда санитария меъёрлари доирасида таомномаларга ўзгартириш киритиш бўйича шунингдек, соғлом ва тўлақонли овқатлантиришни янада сифатли бўлиши юзасидан тегишли таклифлар бериш ва таом сифатини мунтазам назорат қилиш;

7.4. Буюртмачи мажбуриятлари:

- кирларни сифатли ва санитария-эпидемиологик ҳолатни мунтазам назорат қилиш;

- брокераж комиссияси фаолияти бўйича назорат ўрнатиш;

- ажратилган маблағларни мақсадли сарфланишини назорат қилиш;

7.5. Мазкур шартнома шартларини бажармаган ёки тўлиқ бажарилмаслигида айбдор томонлар Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуни, фуқаролик кодекси ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига асосан тегишли тартибда жавобгар бўладилар.

7.6. Мазкур шартнома амал қилиш даврида юзага келган барча иттифоқ ва тортишувлар томонлар ўртасида музокаралар ўтказиш орқали ҳал этилади. Ҳал этилмаган масалалар бўйича томонлар тегишли иқтисодий судларга қонунчиликда белгиланган тартибда мурожаат қилишлари мумкин.

VIII. КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР.

8.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди, яъни улар, уларнинг ходимлари, қайрилган шахслар, бенифициялари ва шартномани амалга оширишдаги ҳамкорлари, пулратчилари томонидан бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилиш моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини қарор қилади.

8.2. Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузулганда ёки асосли гуноҳлар юзага келганда дарҳол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма изох талаб қилиш ҳуқуқига эга ва мурожаатини олган томон 10 (ўн) иш кунни мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

8.3. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавф-хатар баратараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.

8.4. Ушбу бобда кўрсатилган асослар бўйича шартномани бир томонлама бекор қилиш талаб қилган томонга етказилган зарарларни қоплаш қонунчилигида кўрсатилган тартибда амалга оширилади, ушбу бобнинг мажбуриятлари ни бузган томон эса шартноманинг бир томонлама бекор қилиниши оқибатида қўрилган зарарлар қоплашни талаб қилишига ҳақли эмас.

IX. ФОРС - МАЖОР

9.1. Тарафлардан бири шартноманинг енгиб бўлмайдиган куч, яъни фақулотда муайян шароитида олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (табiiий офатлар, ноқулай об-ҳаво шароити, ҳуқумат тадбирлари, ҳокимият органларининг қарорлари, ҳарбий иттифоқлар, ички тартиббузарликлар ва бошқа табiiий офатлар) форс-мажор туфайли бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлигини исботланса жавобгар бўлмайди.

9.2. Мазкур шартнома бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаса томонлар Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлари фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа амалдаги қонунлари талаблари бўйича жавобгар бўлади.


X. Бошқа шартлар.


10.1. Мазкур шартнома шартларига киритилмаган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар томонларнинг ваколатли шахслари томонидан ёзма равишда тасдиқлангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади.

- 10.2. Хеч кайси томон ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа томоннинг ёзма розилигисиз учинчи томонга ўтказиши мумкин эмас.
 10.3. Томонлар ўз реқвизитлари ўзгарган тақдирда бошқа томонни ўз вақтида хабардор этиши лозим.
 10.4. Мазкур шартнома 3 нусхада тузилди ва томонларнинг муҳри билан тасдиқланди.
 10.5. Мазкур шартноманинг 2 нусхаси томонларда ва 1 нусхаси Қўшработ тумани бўйича Газначилик бўлимасига тақдим этилади.
- 11.1. Мазкур шартнома Қўшработ тумани бўйича Газначилик бўлимасида рўйхатдан ўтгандан сўнг ҳақиқий деб ҳисобланади ҳамда 2022 йил "31" декабргача амал қилади.

XI. Шартноманинг амал қилиши муддати.

XII. Томонларнинг юридик манзили ва реқвизитлари.

“Бажарувчи”	“Буюртмачи”
<p>Ташкилот номи: «AKROM FAYZ EKO» МЧЖ Манзил: Пастаргом тумани Кимёгарлар МФЙ Телефон 99 778 74 40 СТИР коди: 308721648 ОКЕД: Х/Р: 20208000605428982001 Банк номи: «Asia Alliance Bank» АКВ Сан-д вилоят филиали МФО: 01-143 Раҳбар: Д.Муродова <i>(имзо)</i></p> 	<p>Ташкилот номи: Қўшработ тумани Тиббиёт бирлашмаси Манзил: Қўшработ тумани Г.Гулом кучаси 59-уй тел: 66-646-11-92) СТИР: 200750669 ОКЭД: 91511 Газна ш/х: 100022860182167073101054001 Газначилик бўлимаси номи: Қўшработ тумани Ягона Газначилик ҳисоб варағи (ЯҒХ): 23402000300100001010 Банкнинг номи: Уз.Р.Марказий банк Тошкент шаҳар ХККМ МФО: 00014 Газначилик бўлимаси ИНН: 201122 919</p> <p>Раҳбар: _____ У.Н.Шамсиев (имзо) М.Ў.</p>

<p align="center">Hujjat elektron raqamli imzo orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.</p>	
	<p>Imzolovchi F.I.SH. ULUG'BEK SHAMSIYEV NAJMIDDINOVICH</p>
	<p>Imzolangan sana 29.11.2022 15:47</p>
	<p>Hujjat kodi PP4280547531</p>
	<p>Hulosa kodi EQ4758580864</p>

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

EQ4758580864

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **Kushrabot tumani Tibbiyot birlashmasining kirlarini yuvish uchun outsorsing xizmati**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot: QO'SHRABOT TUMAN TIBBIYOT BIRLASHMASI tomonidan 29.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Qo'shrabot tuman
yuridik markazi
bosh yuristkonsulti:**



I.K.KARIMOV

29.11.2022